
Ташаббус натижасида 68 минг метр суғориш каналлари тозаланмоқда
Фурқат туманида 36,1 км хўжаликлараро ҳамда 90 км ички каналлар мавжуд. Жорий йилда 20 км хўжаликлараро, 48 км ички каналларни механизм ёрдамида тозалаш режалаштирилган.

Айни кунларда соҳага масъул ташкилотлар ва ҳудуддаги фермер хўжаликлари билан биргаликда ташаббус асосида 12 км хўжаликлараро, 27 км ички каналлар тозаланди. Натижада 2 219 гектар майдонда сув таъминоти яхшиланди.

Мелиорация объектларига 172,1 км узунликда коллектор зовур тармоқларида таъмирлаш тиклаш ишлари лойҳалаштирилган, бунинг натижасида 3 012 гектар ер майдонлари зах сувларни паслашига сабаб бўлади. 9 км узунликда ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқлари қуриш режалаштирилган.

Бугунги кунда Сирдарё орқали Фурқат-1 насос станцияси билан 9 км узунликдаги Шоликор каналдан 1 920 гектар майдон боғланган бўлиб, жорий тозалаш ишлари бошланган.

2023-08-07 19:53:55